



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЧАКАНА ВА УЛГУРЖИ САВДО ТОВАР АЙЛАНМАСИ

2025 йил январь-июнь ойлари учун дастлабки маълумот

- I. Чакана савдо товар айланмаси
- II. Улгуржи савдо товар айланмаси
- III. Умумий овқатланиш корхоналари савдо айланмаси
- IV. Услубий маълумотлар
- V. Алоқадор бошқа ҳаволалар

I. ЧАКАНА САВДО ТОВАР АЙЛАНМАСИ

2025 йил январь-июнь

2025 йил 1 июль ҳолатига чакана савдо соҳасида фаолият кўрсатаётган тижорат корхоналари сони 86 780 тани ташкил этиб, шундан, фаолият кўрсатаётган йирик корхоналар сони 352 тани, кичик корхона ва микрофирмалар сони 86 428 тани ташкил қилди.

2025 йилнинг январь-июнь ойида республиканинг чакана савдо товар айланмаси 198 703,1 млрд. сўмни ташкил этиб, 2024 йилнинг январь-июнь ойига нисбатан 9,7 % га ўсди. Жумладан, йирик корхоналарнинг товар айланмаси 36 220,0 млрд. сўм (ўсиш суръати 114,9 %)ни, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг товар айланмаси 162 483,1 млрд. сўм (ўсиш суръати 108,7 %)ни ташкил этди.

Ҳудудлар кесимида чакана савдо товар айланмаси ўсиш суръати


2025 йил январь-июнь



Мавзуга доир ҳавола:

[Чакана савдо товар айланмаси ҳажми \(ойлик\)](#)

Йирик корхоналар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши бўйича динамикаси



II. УЛГУРЖИ САВДО ТОВАР АЙЛАНМАСИ

2025 йил январь-июнь


2025 йил 1 июль ҳолатига улгуржи савдо соҳасида фаолият кўрсатаётган тижорат корхоналари сони 49 919 тани ташкил этиб, шундан, фаолият кўрсатаётган йирик корхоналар сони 364 тани, кичик корхона ва микрофирмалар сони 49 555 тани ташкил қилди.

Республика бўйича 2025 йилнинг январь-июнь ойида улгуржи савдо товар айланмаси 220 639,4 млрд. сўмни ташкил этиб, 2024 йилнинг мос даврига нисбатан 12,4 % га ўсди.

Йирик корхоналар товар айланмасининг улгуржи савдо айланмасидаги умумий ҳажми 62 689,4 млрд. сўм (ўсиш суръати 121,3 %)ни, кичик бизнес субъектларининг товар айланмаси 157 950,0 млрд. сўм (ўсиш суръати 109,2 %)ни ташкил қилди. Республикада жами улгуржи савдо ҳажмида кичик бизнес субъектларининг улуши 71,6 % ни ташкил этди.

Улгуржи савдо ҳажми динамикаси

2025 йил январь-июнь млрд. сўм



Мавзуга доир ҳавола:

[Улгуржи савдо ҳажми \(ойлик\)](#)

Худудлар кесимида улгуржи савдо ҳажмининг ўсиш суръатлари 2025 йил январь-июнь




Мавзуга доир ҳавола: [Улгуржи савдо ҳажми ўсиш суръати \(ойлик\)](#)

III. УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШ КОРХОНАЛАРИ САВДО ҲАЖМИ 2025 йил январь-июнь

2025 йил 1 июль ҳолатига умумий овқатланиш соҳасида фаолият юритаётган тижорат корхоналари сони 25 609 тани ташкил этиб, шундан, фаолият кўрсатаётган йирик корхоналар сони 119 тани, кичик корхона ва микрофирмалар сони 25 490 тани ташкил қилди.

2025 йилнинг январь-июнь ойида овқатланиш корхоналарининг савдо айланмаси 96 533,9 млрд сўмга етди ва 2024 йилнинг мос даврига нисбатан 10,8 % га ўсди, савдо айланмасининг 84,5 % улуши кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳиссасига тўғри келган бўлса, йирик корхоналарнинг улуши 15,5 % ни ташкил этди.

Умумий овқатланиш корхоналари савдо айланмасининг ўсиш суръатлари динамикаси 2025 йил январь-июнь



2024 й.

2025 й.



IV. УСЛУБИЙ МАЪЛУМОТЛАР

Улгуржи ва чакана савдо товар айланмасининг статистика кўрсаткичларини шакллантиришда, Ўзбекистон Республикасининг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари, шунингдек, “Миллий ҳисоблар тизими – 2008”, “Чакана ва улгуржи савдо статистикаси бўйича халқаро тавсиялар” (БМТ, 2008), “Чакана товар айланмасининг статистик кузатуви ва унинг миқдорий кўрсаткичини ҳисоблаш бўйича услубий тавсиялар” (МДХ қўмитаси, 2011) халқаро кўрсатмалар ва тавсияларидан фойдаланилади.

Улгуржи ва чакана савдо товар айланмаси статистика кўрсаткичлари норасмий ва яширин иқтисодий статистик баҳолаш бўйича ўтказилган кузатувлар натижаларини қўшган ҳолда ҳисобланган.

V. АЛОҚАДОР БОШҚА ҲАВОЛАЛАР

[Улгуржи савдо ҳажми \(ҳудудлар кесимида, ойлик\)](#)

[Улгуржи савдо айланмасининг ўсиш суръати \(ҳудудлар кесимида, ойлик\)](#)

[Чакана савдо айланмаси ҳажми \(ҳудудлар кесимида, ойлик\)](#)

[Чакана савдо айланмасининг ўсиш суръати \(ҳудудлар кесимида, ойлик\)](#)

[Аҳоли жон бошига чакана савдо ҳажми \(ҳудудлар кесимида, ойлик\)](#)

[Аҳоли жон бошига чакана савдо ҳажми ўсиш суръати \(ҳудудлар кесимида, ойлик\)](#)

[Овқатланиш корхоналари савдо ҳажми \(ҳудудлар кесимида, ойлик\)](#)

[Овқатланиш корхоналари савдо ҳажми ўсиш суръати \(ҳудудлар кесимида, ойлик\)](#)

Чоп этишга масул: Ташқи иқтисодий фаолият ва савдо статистикаси бошқармаси	Бошқарма бошлиғи ўринбосари: Ш.Жўраев Тел: +998712038000 (11-81)	Ижрочи: Ш.Муминов Тел: +998712038000 (11-88) е-почта: trade@stat.uz	
--	---	--	---